



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 24 сентябрь, № 196 (8819)

Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!
Авалло, сиз, азизларни Венгриянинг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган 45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида муносиб иштирок этиб, қарийб 200 та давлат вакиллари орасида фахрли учинчи ўринни эгаллаб, ўзбек шахмати тарихида яна бир ёрқин саҳифа очганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳаёт кескин ва муросасиз мусобақаларда сизлар юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода ва матонат фазилатларини намойиш этиб, Хитой, Сербия, Арманистон, Германия, Озарбайжон, Словения, Испания каби манамен деган давлатларнинг жамоаларини ортада қолдирганингиз улкан таҳсин ва тасанноларга сазовордир.

Сизларнинг тимсолингизда Янги Ўзбекистон ёшлари мана шундай ақл ва тафаккур беллашувида қандай баланд марраларни эгаллашга қодир эканини кўриб, қалбларимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлмоқда.

Ушбу мусобақада юксак интеллектуал салоҳиятини намойиш этган Нодирбек Абдусатторов, Жаҳоир Синдоров, Шамсиддин Воҳидов, Нодирбек Ёқуббоев, Жаҳонгир Воҳидов каби ўғлонларимиз эришган натижалар биз учун жуда қадрлидир.

Айниқса, тахталар кесимида Шамсиддин Воҳидов олтин медални, Нодирбек Абдусатторов кумуш медални қўлга киритиб, нақадар катта маҳорат эгаси эканликларини яна бир бор исботлаганингиз алоҳида таъкидлаш лозим.

Мард ва жасур ўғлонларимиз қаторида Афрўза Ҳамдамова, Нилуфар Ёқуббоева, Умида Омонова, Маржона Маликова, Нодира Нодиржонова сингари азму шижоатли шахматчи қизларимиз ҳам мусобақаларда муносиб иштирок этиб, бор куч-ғайрати ва маҳорати билан Ватанимиз шарафини оқим қилдилар.

Улар ўтган Олимпиадада кўрсатган натижаларини яхшилаб, 170 мамлакат ўртасида 12-ўринни эгаллаганлари албатта эътиборга моликдир. Матонатли қизимиз Нодира Нодиржонова тахталар кесимида фахрли 2-ўринни эгаллаб, кумуш медал билан тақдирланган, айниқса, қувончлидир. Уларнинг барчасини самимий қўлгаб, келгуси мусобақаларда совринли ўринларни забт этишларини тилайман.

Албатта, Ўзбекистон шахмат усталари қўлга киритган улкан ютуқ Янги Ўзбекистонда ёшларга қаратилган юксак эътибор, спорт ва унинг энг интеллектуал турли бўлган шахматни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ислохотларимизнинг амалий натижаси, десак, тўғри бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай муваффақиятлар халқимизни эзгу максадлар йўлида янада бирлаштириди, минг-минглаб ёшларимиз учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб сиз, азиз фарзандларимга, эришган ютуқларингизга катта ҳисса қўшган тажрибали устоз ва мураббийларингиз, бутун жамоангиз аъзоларига, сизларни қўллаб-қувватлаб турган ота-оналарингиз ва барча мухлисларингизга ўз номиндан, бутун халқимиз номидан чин дилдан самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларга жонажон Ўзбекистонимиз 2026 йилда илк бор мезбонлик қиладиган навбатдаги жаҳон шахмат олимпиадасида ҳам энг юксак чўққиларни забт этиш насиб этсин!

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва саодат, келгусидаги ўқиб ва ишларингизда катта муваффақиятлар тилайман. Зафарли юришларингиз доимо бардавом бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ВАКИЛЛАРИМИЗ ҚАТОРАСИГА ИККИНЧИ БОР СОВРИНДОРГА АЙЛАНДИ



Венгриянинг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган 45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси якунланди. Қарийб 200 та мамлакат орасида миллий терма жамоамиз аъзолари ҳам муносиб иштирок этди.

Хусусан, Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси Олимпиада бронза медалига сазовор бўлди. Мусобақанинг муросасиз баҳсларида хиндистонлик шахматчилар ғолиб чиққан бўлса, АҚШ жамоасига кумуш медал насиб қилди.

ХУШХАБАР

Мамлакатимиз қизлар жамоаси 170 та мамлакат орасида 12-ўринни эгаллади. Бу билан икки йил олдинги натижасини 19 ғолибга яхшилаб, ўзбек шахмати даражасини юқорига кўтариб қўйди.

Кувончлиси, индивидуал йўналишларда ҳам вакилларимиз ғолиб ва совриндорларга айланди. Гроссмейстеримиз Шамсиддин Воҳидов 4-тахтада олтин медални қўлга киритган бўлса, биринчи рақамли шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов 1-тахтада кумуш, аёллар ўртасида Нодира Нодиржонова 4-тахтада бронза медалга эга чиқди.

Таъкидлаш жоизки, спортчиларимиз 2022 йили Хиндистонда бўлиб ўтган Олимпиадада чемпионликка эришган эди. Шахматчиларимиз Будапештда қўлга киритилган бронза медал билан қаторасига иккинчи марта совриндорга айланди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Олимп машъаласи ҳамда байроғи терма жамоамизга топширилди. Насиб этса, 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси 2026 йил Тошкентда ўтказилади.

Элёр ХАЙДАРОВ
(«Халқ сўзи»).

БУНЁДКОРЛИК СОҲАСИДА ДАВР РУҲИГА МОС ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 сентябрь кuni қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қурилиш иқтисодиётининг барча тармоқлари ривожланишига катта туртки берадиган соҳадир. Ҳар бир лойиҳа қурилиш материаллари ва жиҳозларга, ишчи ва мутахассисларга талабни оширади. Янги мажмуалар атрофида янги иш ўринлари, инфратузилма ва хизматлар пайдо бўлади.

Сўнгги етти йилда қурилиш материаллари соҳасига 9 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 5 мингга яқин янги корхоналар ишга туширилган, 94 мингта доимий иш ўрни яратилган. Ишлаб чиқариш 2 қарра ўсган, йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан зиёд корхоналар 150 тадан ошган.

Охириги беш йилда бунёдкорлик ҳажми 2 баравар кўпайган. 650 миллион долларлик янги маҳсулотлар ўзлаштирилгани ҳисобига қурилишдаги импорт улуши 31 фоиздан 25 фоизга камайган.

Қурилиш материаллари экспорт бозори кенгайиб, 58 тага етди. Хорижда 20 дан ортиқ савдо оморлари, 50 дан зиёд дўконлар очилди. Бу йил экспорт микдори 1 миллиард долларга етказиш мўлжалланган.

Шу билан бирга, соҳада муаммолар ҳам бор, имкониятлар эса кўп. Йиғилишда давлатимиз раҳбари уларни таҳлил қилиб, янги ташаббус ва вазифаларни айтди.

Бугун юртимизда қуввати 140 минг тонна бўлган 7 та базальт корхонаси бор. Бинокорликда бу маҳсулот кенг қўлланаётгани натижасида янги уй-жой ва ижтимоий биноларда энергия сарфи 20 фоизгача камайган.

Лекин бундан ташқари, қуёш нурини қайтарувчи ойна, вермикулит аралашмаси каби материалларни ишлайтиб, энергия сарфини яна 2 баравар қисқартирса бўлади. Биноларнинг фасад қисмида фибро толали панелдан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган цемент ва бойитилган кум ўзимизда етарли.

Мутасаддиларга шу каби муҳим қурилиш материалларини юртимизда ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди. Жумладан, Қувасойдаги «Кварц» корхонасида 20 миллион долларлик, Жиззахдаги ойна заводида 10 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари бажарилши айтилди.

Умуман, тадбиркорлар билан биргаликда, 3,5 миллиард долларлик 350 та янги лойиҳа режалаштирилган. Уларнинг қурилишига ҳамда фаолиятига камбағал оилалардан 50 минг фуқарони ишга жойлаштириш кўзда тутилган.

Қурилиш материаллари тайёрлашда энергия сарфини камайтириш жуда муҳим. Бу унинг таннархига, харидоргириликка таъсир қилади.

Сўнгги икки йилда бу тармоқда ишлаб чиқариш 1,2 қарра ошган бўлсада, шундай чоралар ҳисобига энергия сарфи 1,3 баробар, энергия сигими 1,6 баробар камайди. Мисол учун, «Қизилқумцемент» да иссиқлик алмашув ускуналари реконструкция қилиниб, йилга 37 миллион киловатт-соат электр тежалди.

Бугунги кунда илғор хорижий корхоналар иссиқлик энергиясида қайта фойдаланиш орқали электр олиш технологиясини фаол қўлламоқда. Шу асосида, энергия сарфи юқори бўлган 34 та корхонада энергоаудитни якунлаб, йилга 300 миллион киловатт-соат электрни иқтисод қилиш мумкинлиги айтилди.

Ҳозир юртимизда ишлаб чиқарилаётган 170 номдаги қурилиш материалдан 97 таси бўйича ички талаб қопланган. Лекин бозор тўлиқ қопланмасдан, шунга ўхшаш лойиҳалар яна режаланган.

Шу боис энди бозор тўйинган қурилиш материаллари рўйхати эълон қилинади. Ички ва ташқи эҳтиёждан келиб чиқиб, янги маҳсулотлар бўйича тақлифлар тайёрланиб, очик порталга жойлаштирилади. Лойиҳалар «Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмасининг илмий-техник кенгашида кўриб чиқилади. Мазкур уюшма ҳузурида Корея тажрибаси асосида синов лабораторияси ташкил этилади.

Аниқланган кум-шағал майдонларини аукционга чиқариш, норууда конлардан ноқонуний фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда қурилиш соҳасидаги долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Сўнгги етти йилда мамлакатимизда қарийб 100 миллиард долларлик қурилиш ишлари бўлган. Бу соҳадаги ишлар ҳажми йилга ўртача 7-8 фоиз ўсмоқда.

Дунёда қурилиш индустрияси кун сайин ривожланипти, янги технология ва инновациялар амалиётга кириб келяпти. Лекин юртимизда ҳалигача эскича стандарт ва ёндашувлар сақланиб қолмоқда.

Замонавий услублардан орқада қолиб кетмаслик учун шаҳарсозлик нормалари ва қондаларини мунтазам янгилаб бориш кераклиги таъкидланди.

Маълумки, жойларда туризм, савдо ва сервисни ривожлантириш мақсадида кичик худудларнинг мастер режалари ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Бухоро ва Навоий вилоятларида ишлар жадвал бўлиб, дастлабки ерлар тадбиркорларга сотилган. Лекин айрим вилоятларда бу жараён ҳозирча суғат экани кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ҳокимларига худудларни комплекс ривожлантириш ва урбанизация бўйича 48 та, туризм зоналарини ташкил этишга қаратилган 20 та, йўл бўйларига савдо ва хизматларни кенгайтириш бўйича 68 та мастер режани жаддалаштириш вазифаси қўйилди.

Қурилишлар сифати масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айрим палатариш лойиҳалар одамларнинг эътирозига сабаб бўлаётгани кайд этилди.

Қурилатган ҳар бир ишшоот бўйича қўнлик назорат ўрнатилиши белгиланди. Бунинг учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг худудий бошқармаларида штаб ташкил қилинади. Давлат ҳисобидан қурилатган ҳар бир

бинога видеокамералар ўрнатилиб, инспекцияга маълумотлар онлайн бориб туради.

Шунингдек, ноқонуний қурилишлар бўйича маҳалла раислари ва жамоатчилик назорати кучайтирилади. Ҳар бир қурилатган иморат олдида «QR» коди маълумотлар ёзиб қўйилади. Бу бўлмаса, қурилиш ноқонуний ҳисобланади.

Мутасаддиларга қурилиш назоратида янги рақамлашган тизим яратиш, тегишли инспекция фаолиятини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ҳар бир вилоятда ташкил қилинган Шаҳарсозлик кенгашлари фаолияти бўйича ҳам эътирозлар кўп. Кенгашга киритилган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва келишиш оилаб чўзилапти.

Шу боис ушбу кенгашлар билан боғлиқ жараёнлар тўлиқ рақамлаштириши айтилди. Энди унга барча лойиҳалар «Шаффоф қурилиш» платформаси орқали электрон киритилади. Кенгаш аъзолари лойиҳани қўни тизими билан шу платформада электрон келишади. Лойиҳани кўриб чиқиш мuddати 15 кундан ошмайди.

Уй-жойлар қурилишида алдов, тўшунмовчиликлар учраб турибди. Шу боис энди уй-жой сотиб олиш бўйича кафолатли «эскроу» тизими жорий қилинади.

Бунда қурувчилар ўзлари қураётган уйлар сотувини ташкил қилиш бўйича банклар билан шартнома тузади. Хонадон оломқчи бўлган одамлар пулини қурувчига эмас, тўғридан-тўғри банкка топширади. Банклар эса йиғилган пулни қурувчига ресурс сифатида беради. Яъни банклар қурувчи ва харидор ўртасида «кўприк» бўлиб, уй-жойни ўз вақтида ва сифати қўриб, эгасига топширишга кафил бўлади.

Мутасаддиларга ушбу янги тартибларни босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

Қурилишлар сифати ҳодимларнинг билим ва маҳорати ҳам боғлиқ. Шу боис энди қурилишдаги ишчилар малякасини баҳолайдиган тизим татбиқ этилади.

Бунда касбларга малака даражаси ва иш ўринлари аниқ талаблар белгиланади. Уни эгаллаш учун талабгорлар профессионал таълим муассасаларида ўқитилади. Мустақил ёки шоғирд сифатида ўрганиб, малака имтиҳонидан ўтган мутахассислар ўқимасдан сертификат олади.

Худди шундай тизим лойиҳа ташкилотлари учун ҳам бўлади.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тадбиркорларнинг тақлиф-мулоҳазаларини эшитди. Маҳаллий ҳомашларни қайта ишлаб, бозорбор маҳсулотлар тайёрлаш, мажбурий сертификат тизимини жорий қилиш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш, қурилиш ишчиларини соддалашган тартибда олиш каби қўллаб тақлифлар бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди.

Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан

“Эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!” сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.



СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИГА ОИД ОДОБ-АХЛОҚ ҚОНДАЛАРИНИ ИМЗОЛАДИ

Мамлакатимизда шу йил 27 октябрь кuni бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари кампанияси тобора қизғин паллага кирмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан депутатликка номзодларнинг ҳамда сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти 2024 йил 22 сентябрдан бошланиши белгиланди.

21 сентябрь кuni сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган сайловолди ташвиқоти оид одоб-ахлоқ қондаларини партияларнинг раҳбарлари томонидан имзоланиши белгиланди.

Ривожланган давлатларда, одатда, бундай битимлар сиёсий партиялар ёки номзодлар ўртасида сайлов жараёнида инфосиз рақобатнинг олдини олиш, адолатли курашни таъминлаш, сайловолди ташвиқоти давомидан номзодларнинг бир-бирини нисбатан ҳурмат сақлаш ва ҳуқуқий чекловлардан ташқари ахлоқий меъёрларга риоя қилиш мақсадида тузилади.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР КУЗАТУВЧИЛАРИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛДИ

Кеча Марказий сайлов комиссиясининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларини аккредитациядан ўтказиш ҳамда тезкор ахборот бериш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, янгиланган сайлов қонунчилиги бўйича ўтказилажак бу галги давлат вакилилик органлари сайловларига хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг қизиқиши ниҳоятда юқори.

Хусусан, сайловни кузатиш учун 50 та давлатдан 400 га яқин, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти каби 21 та халқаро ташкилотнинг қарийб 500 нафарга яқин, 26 та хорижий давлат сайлов комиссияларининг вакиллари, жами минг нафардан ортиқ халқаро ва хорижий кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Хабар берилганидек, 21 сентябрь кuni Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди. Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.



Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Ялпи мажлис Сенатининг «YouTube» тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёришиб борилди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи кuni сенаторлар томонидан дастлаб «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва

бошқариш тизимини соддалаштиришга қаратилган ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кичик тадбиркорликни ривожлантириш, унга ҳар томонлама кенг имкониятлар яратиш ва бу йўналишда инвестицияларни жалб этишга қаратилган илчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Мазкур қонун билан «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунга махсус иқтисодий

зоналарнинг маъмурий кенгашлари тугатилгач, уларнинг вазифалари махсус иқтисодий зоналар дирекцияларига ҳамда ягона дирекцияларга юклатилишини назарда тутувчи ўзгартiriш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, махсус иқтисодий зоналар худудинда инвестиция лойиҳаларининг бизнес режалари ёки техник-иқтисодий асосларига экспертиза хулосалари олиш талаби бекор қилинмоқда. Лойиҳаларнинг ушбу қонунда белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса махсус иқтисодий зоналар дирекциялари томонидан мустақил равишда қабул қилиниши белгиланмоқда.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини соддалаштиришга, инвестициялар жалб қилиш учун шарт-шароитларни яхшилашга, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилиши кўриб чиқилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Сўнгра "Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботларни давлат органларига тақдим этиш жараёни соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241¹⁰-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан олиб бораётган очик мулоқоти натижасида 2024 йил 9 январда "Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Қарор билан 2024 йилдан бошлаб ўзаро бир-бирини тақдорловчи ва давлат органларининг бошқа органлардан олиш имконияти мавжуд бўлган 34 турдаги ҳисобот ва статистик маълумотлар бекор қилинди.

Ягона рўйхатга киритилмаган ҳисоботларни тадбиркордан талаб қилиш тақиқланади ҳамда ҳисоботлар фақат ахборот тизимлари орқали тақдим этилиши белгилаб қўйилди.

Қайд этиш жоизки, бир-бирини тақдорловчи тегишли ахборот тизимларида мавжуд ҳисоботларнинг бекор қилиниши натижасида ҳар йили 21,5 минг тадбиркорнинг 500 миллион сўм маблағлари иқтисод қилиб қолинади.

Энг асосийси, қарорда тадбиркор давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистик маълумотларнинг ягона рўйхати тасдиқланиб, унга киритилмаган ҳисоботларни тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш тақиқланди.

Шу боис мажлисда муҳокама қилинган қонун тадбиркорлар томонидан ҳисоботларни давлат органларига тақдим этиш жараёнини соддалаштирилиши муносабати билан ҳисоботларни қабул қилувчи органларнинг жавобгарлик чораларини кучайтирмоқда.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистика маълумотларининг ягона рўйхатига киритилмаган ҳисоботларни тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиб олганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Ушбу қонун давлат органларининг ҳисоботларни талаб қилиб олиш борадиган маъсулиятини оширишга ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун маъқулланди.

Шу билан бирга, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар томонидан "Давлат мулкни бошқариш соҳасида тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда давлат мулкни бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини қисқартириш, давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қонун билан бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, хусусийлаштирилмайдиган давлат мулкни, шунингдек, давлат ташкилотини хўжалик жамияти этиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ва ушбу жараён якунланганга қадар мазкур давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳукуқи асосида бириктирилган давлат мулки гаровга берилмаслигини белгиловчи норма киритилмоқда.

Бундан ташқари, "Ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиришлар киритилиб, устав фондидаги (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг хомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоиздан ошмаслиги кераклиги қайд этилмоқда.

Шунингдек, мазкур харажатлар улар бизнес режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилиши белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкни бошқариш соҳасини тақомиллаштиради. Махсус ваколатли органнинг ваколатлари ва устувор йўналишларини белгилаш орқали хусусий мулкчилик кенгайтирилади. Хусусийлаштириш жараёни очиқ ва ошқора бўлиши таъминланади.

Қизгин кечган муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг эллик еттинчи ялпи мажлисида "Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига давлат харидлари тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонунда икки босқичли давлат харидлари, кичик қийматдаги харид учун соддалаштирилган тартиб, марказлашган давлат харидлари ва ҳадли келишув каби янги механизмлар жорий қилиниши назарда тутилган.

Шу билан бирга, "барқарорлик" принципи билан тўлдирилиб, давлат буюртмачилари қисқа, ўрта ва узоқ муддатли иқтисодий, экологик ва ижтимоий таъсирларни ҳисобга олган ҳолда барқарор давлат харидларини амалга ошириши назарда тутилмоқда.

Давлат буюртмачиси, шу жумладан, бюджет буюртмачиси, заруратга кўра, энг яхши шартларни танлаш ёки тендер натижалари бўйича 1 йилдан 4 йилгача бўлган муддатга ҳадли келишув тузиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Қонун билан тадбиркорлик субъектларига қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида электрон дўкон ҳамда аукцион савдоларида захира қилиб бўлиш мумкинлиги, агар голиб томондан шартнома тузиш рад этилган ҳолларда уларга шартнома тузиш таклифи берилиши кўзда тутилмоқда.

Давлат харидлари соҳасида шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймайлик асослари қонунда аниқ кўрсатилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат харидлари тизимини тақомиллаштириш орқали очиқлик ва шаффоқлик таъминланишига, соҳада рақобат муҳитининг янада кучайтирилишига, давлат буюртмачилари учун қулай имкониятлар яратилишига ҳамда давлат харидлари жараёнига тадбиркорларни кенг жалб этишга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминлигини тақомиллаштириш мақсадида Сенат қўмиталари томонидан 2020 йилда қатор қонунларнинг ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилиб, қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг амалга оширилган эди.

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинганда ушбу қонунда қайта ўрганиб чиқилиши ҳамда тақомиллаштирилиши лозим бўлган нормалар мавжудлиги аниқланди.

Шундан сўнг янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, унда мамлакатимиз Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш асослари, мазкур соҳадаги ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини тақомиллаштириш орқали кесиб ўтаётган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шахсларнинг, транспорт воситаларининг ҳамда товарларнинг ўтказилишини вақтинча чеклашга ёки тўхтатиб туришга доир асосларнинг батафсил рўйхати белгиланди.

Шундай бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мамлакатимизнинг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгарти-

риш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасига доир алоҳида тушунчалар турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжудлиги кўзга ташланмоқда.

Шу боис муҳокама этилган қонун билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларининг, хусусан, 5 кодекс ва 8 та қонуннинг баъзи нормаларини "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги қонунга мувофиқлаштириш назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.



Ахмад МУҲАММАДОВ олган сурат.

Сенаторлар таклиф этилаётган қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ ҳамда бир хил қўлланилишига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ваколатларини аниқлаштиришга хизмат қилиниши таъкидлаб ўтилди.

Муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда аҳоли соғлигини сақлаш ва янада яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларни даволаш, шунингдек, одамларнинг соғлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонунда тиббий маълумотга эга бўлмаган шахслар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Халқ таъбирига фуқаролардан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида махсус комиссиянинг ҳуқуқий асосан халқ таъбирига фуқаролардан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Бунда соғлиқни сақлаш амалиётида ташхис қўйиш ва даволашнинг фақатгина қўллашга рухсат этилган усулларидан фойдаланишга йўл қўйилди.

Шу билан бирга, қонунчиликда халқ таъбири соҳасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан фуқароларга тиббий ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини кўрсатганлик, шунингдек, хизматларини халқ таъбирига йўналишида рухсат этилмаган усулларни қўллаган ҳолда моддий қимматликлар олиш ёки мулкий манфаатдор бўлиш эвазига кўрсатганлик учун жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

Бунинг натижасида фуқаролар сохта табибларнинг қурбонига айланмоқда, бундай хизматларнинг оқибатлари эса фуқароларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун билан фуқароларга тиббий ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини халқ таъбирига йўналишида рухсат этилган шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан кўрсатилганлик, шунингдек, хизматларини халқ таъбирига йўналишида рухсат этилмаган усулларни қўллаган ҳолда моддий қимматликлар олиш ёки мулкий манфаатдор бўлиш эвазига кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, мазкур хизматларни омма олдида тарғиб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилмоқда.

"Реклама тўғрисида"ги Қонун халқ таъбирига йўналишида рухсат этилмаган усулларни қўллаган ҳолда фуқароларга тиббий ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини реклама қилиши тақиқловчи норма билан тўлдирилмоқда.

Муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, парламент юқори палатасининг мазкур ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-

муҳитида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини таъминлаш, шу жумладан, иш жойида ёки иш вақтида ишчи ва ходимларнинг соғлиғига зарар етиши билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар ёхуд хавфларнинг олдини олишга қаратилган талабларни янада кучайтириш назарда тутилган.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, миллий меҳнат қонунчилигининг халқаро меҳнат стандартларига жавоб беришини ҳисобга олган ҳолда мазкур Конвенцияни ратификация

индикатори ва Ҳукумат очиқлиги бўйича "Open Data Inventory" рейтингиде 15 поғонага кўтарилган.

Шу билан бирга, муҳокамада сенаторлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида айрим камчиликлар сақланиб қолаётганиги ҳам таъкидланди.

Хусусан, 2023 йилда республика бўйича судлар томонидан қўрилган жиноят ишлари таҳлилий коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат манфаатларига етказилган зарарнинг юқори улуши Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларига тўғри келганини, коррупцияга оид жиноятлар сони Сурхондарё ва Андижон вилоятларида ортганини кўрсатди.

Коррупцияга оид жиноят ишлари бўйича судланган шахсларнинг аксарияти мактабгача ва мактаб таълими муассасалари, тижорат банклари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ҳамда ҳокимликлар ходимлари ҳисобланади.

Шунингдек, ички назорат тузилмалари фаолиятини ташкил этишда айрим давлат идоралари томонидан камчиликларга йўл қўйилган.

Жумладан, ички назорат тизими жорий этилган давлат идораларининг 37 тасида ташкил этилган 996 та штат бирлигидан 172 таси (17,2 фоиз) вакант бўлса, 6 та ташкилотнинг 35 нафар ходимига қўшимча вазифалар юкланган.

Шу билан бирга, 20 та давлат ташкилотиде ички назорат тизимини жорий этишга оид идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган, 13 тасида ички назорат тизими самарали фаолият кўрсатмапти.

Хусусан, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари, Ташқи ишлар вазирлиги, Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясида ички назорат тизимини жорий этишга оид идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимиде атиги 5 та штат бирлигидан иборат (вазирлик марказий аппаратида) ички назорат тузилмаси ташкил этилган.

Муҳокама жараёнида Сенат аъзолари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, қатор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини янада тақомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар билдирилди.

Хусусан, коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилган ҳолда жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш лозим.

Коррупцияга ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тизими агентлиги томонидан тақдим этилган учинчи миллий маърузада 2023 йилда мамлакатда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар акс эттирилган ҳамда улар тўғрисида мажлисда ахборот берилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари тақомиллаштирилиб, жамиятда коррупция иллатига нисбатан мурасасиз муҳитни шакллантиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг замонавий механизмлари кенг жорий этилди. Уларнинг фаолиятида очиқликни таъминлаш, жамоатчилик олдида ҳисобдорликни ошириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимини самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар белгиланди.

Соҳада давлат сиёсати изчиллигини таъминлаш мақсадида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди, очиқ, эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 35 тадан 40 тагача кенгайтирилди.

Аҳолига хизмат кўрсатишда коррупция ҳолатларининг олдини олиш таъминловчи "Onlayn mahalla", "Aholi tomorgasi", "Onlayn bozor", давлат хизматчиларини онлайн режимда ўқитишга мўлжалланган "Open Data" платформалари ишга туширилди.

Бунинг натижасида "Transparency International" халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2023 йил якунлари бўйича Коррупцияни қабул қилиш индексида мамлакатимиз ўрни 5 поғонага, Бошқарув сифати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ҚУДРАТЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шу йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтadиган юртимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар жараёнларида “Ваъда эмас — натижа, эртага эмас — бугун!” шиори остида янги ғоялар ва янги қарашлар билан иштирок этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қисқа фурсатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёж-мандаларга қўмақлаштириш, очиклик сиёсатини юритиш, мамлакат иқтисодиёти ва халқаро нуфузини ошириш бўйича тарихий ислохотлар амалга оширилганини эътироф қилган ҳолда, O'ZLiDeP бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш жоноҳон Ўзбекистонни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли деб ҳисоблайди.

Мана шу улғувор йўлда ўз маслакдошларини бирлаштирган O'ZLiDeP “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тўлиқ амалга ошириш маъсулиятини зиммасига олган етакчи сиёсий қудир.

Барчамизга маълумки, халқимиз иродаси билан 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда қабул



қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясини янги Ўзбекистонни барпо этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, аҳоли фаровон ҳаёт кечирishi, фарзандларимиз сифатли таълим ва тиббиётдан баҳраманд бўлиши, аёллар ва нурунийлар бахтли яшаши, эл дастурхони тўқинлиги таъминланиши учун O'ZLiDeP кейинги беш йилга мўлжалланган янги Сайловолди дастури орқали **5 ТА АНИК МАКСАДГА ЙўНАЛТИРИЛГАН 500 ТА ВАЗИФА**ни белгилаб олди.

O'ZLiDeP ўз фаолиятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш, жамиятнинг барча жабҳасида барқарор ривожланиши таъминлаш, инсонлар кадр-қиммати, эркинлиги ва фаровонлиги учун курашувчи сиёсий куч сифатида намоян бўлмоқда.

Партия Сайловолди дастурини ишлаб чиқиши кеча ёки бугун бошлагани йўқ. Бу жараёнга бир неча йил олдин киришилган. Утган давр мобайнида O'ZLiDePдан маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлар сайловчилар билан минглаб учрашувлар ўтказди. Уларда аҳолини қийнаб келадиган тизимли муаммоларни бирлаштириб, янги Сайловолди дастурига киритилди.

Шунингдек, Сайловолди дастури мазмун-моҳиятига бағишланган жамоатчилик муҳомааларида ҳам устувор вазифалар белгилаб олинди. 15 мингдан зиёд бошлангич партия ташкилотларида бўлиб ўтган муҳомааларда ҳам аҳолининг оғирини енгил қилишга доир қатор таклиф-тавсиялар тийёрланди.

Партия Сайловолди дастурини шакллантиришда фермерлар, тадбиркорлар, таълим ва соғлиқни сақлаш ходимлари ҳам фаол иштирок этди.

Сайлов демократик ислохотларнинг муҳим кўриниши экани ҳеч кимга сир эмас. Сайлов тизимининг дунёдаги илгор тажрибалар асосида такомиллаштириб бораётгани ҳам кенг миқёсда ижобий баҳоланмоқда. Сайловолдининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти нақадар катталигини ҳаммамиз яхши тушунаемиз. Чунки унда ҳар бир фуқаро ўз тақдирини, оруз-истакларини рўёбга чиқиши учун овоз беради. Ушбу сайлов “**Менинг танловим — обод Ватаним!**” шиори остида шарт олганда ҳам улкан маъно-мазмун муҳассасам.

Бутунлай янгилаш асосида ўтадиган сайловларда муваффақиятга эришиш учун O'ZLiDeP кўп йўналишли ва стратегик ёндашувлардан фойдаланади. Бу тизим бизни ҳам маҳаллий, ҳам миллий даражада фаол бўлишга ундайди ҳамда рақобатбардoshлигимизни яна бир бор синовдан ўтказилади.

I. БАРКАРОР ИҚТИСОДИЙ ҲАМ БИР ИНСОН, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШАМИЗ

Бугунги O'ZLiDeP сиёсий саҳнада энг кўп сонли аъзолар ва тарафдорларига эга бўлган, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи ролни ўйнайдиган халқчил партияга айланган улғурди.

Бугунги O'ZLiDeP мураккаб вазибаларни ўз зиммасига оладиган, мамлакатимиз ва халқимизнинг манфаатларини йўлида ҳаракат қилишга қодир сиёсий куч сифатида амалда ўзини кўрсатмоқда.

Бугунги O'ZLiDeP янгиликларни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёж-мандаларга қўмақлаштириш, очиклик сиёсатини юритиш, мамлакат иқтисодиёти ва халқаро нуфузини ошириш бўйича тарихий ислохотлар амалга оширилганини эътироф қилган ҳолда, O'ZLiDeP бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш жоноҳон Ўзбекистонни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли деб ҳисоблайди.

Мана шу улғувор йўлда ўз маслакдошларини бирлаштирган O'ZLiDeP “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тўлиқ амалга ошириш маъсулиятини зиммасига олган етакчи сиёсий қудир.

